



QR коди орқали газетанинг электрон варианты юклуб олинг!



Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат



Акмал САЙДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Янги Ўзбекистон Адвокатураси:

Тараққиёт стратегиясида ушбу соҳани ривожлантириш алоҳида мақсад этиб белгиланган

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсат марказида инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мужассам. Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, аввало, жинсий таъвозулардан химоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, инсон шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймастикка қаратилган кенг қўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида таъкидланганидек, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мустақил адвокатура фаолиятини самарали ташкил этишни назарда тутди. Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоялаш бутунги куннинг долзарб вазифасидир”.

ТУРКИЙ ДУНЁ САМАРҚАНД БАҒРИДА БИРЛАШДИ

Айни кунларда ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд яна бир халқаро анжуманга — Туркий давлатлар ташкилотининг саммитига мезбонлик қилмоқда. Бу ташкилот ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Унинг ташкил этилишида туркий тилли давлатлар раҳбарлари муҳим роль ўйнаган. Ташкилотнинг ўз шаклланиш тарихи бор. Бу тарих бир неча босқичлардан иборат.

Биринчи босқич унинг ташкил этилиши билан боғлиқ. Ташкилот 1992 йилда Анқарада туркий тилли давлатлар раҳбарлари — Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Туркия президентларининг учрашуви асосида юзага келган. Кейинчалик туркий тилли давлатлар раҳбарларининг учрашувлари 1994 йилда Истанбулда, 1995 йилда Биш-

кекда, 1996 йилда Тошкентда, 1998 йилда Остонада, 2000 йилда Бокуда, 2001 йилда Истанбулда, 2006 йилда Анталияда, 2010 йилда Истанбулда давом этди. Мазкур учрашувлар асосида туркий тилли давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзага келди. Бу ташкилот шаклланишининг илк босқичи эди.

2009 йилнинг 3 октябрыда Озарбайжоннинг Нахичеван

шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммит Туркий тилли давлатлар ташкилоти фаолиятининг иккинчи босқичини бошлаб берди. Бу саммитда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Туркий кенгаш) ташкил этилди. Туркий кенгаши тузиш борасидаги Нахичеван битимига кўра, туркий тилли давлатлар ўртасида тармоқларо ҳамкорликни институциявийлаштириш жараёни, Туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси каби шериклик алоқалари яратилди. Ушбу битимнинг 2-моддасига биноан тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни тоза сақлаш,

маданий, илмий-техник, ҳарбий-техник, таълим, энергетика, транспорт, кредит соҳаларида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ташкилотнинг асосий вазифалари қилиб белгиланди.

2021 йилнинг ноябрь ойида Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммит Туркий давлатлар ташкилоти шаклланишининг учинчи босқичини бошлаб берди. Ушбу саммит давомида туркий давлатлар раҳбарлари ҳамкорлик кенгаши (Туркий кенгаш)ни Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) деб ўзгартиришга қарор қилинди. Бу ташкилотнинг фаолиятини кучайтиришга, дунёвий аҳамиятини оширишга, халқаро ҳамжамиятдаги ролини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Эндиликда Туркий давлатлар ташкилоти қошида бир неча тузилмалар — Халқаро Туркий маданият ташкилоти, Туркий давлат парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академияси, Туркий маданият ва мерос фонди, Туркий савдо-саноат палатаси, Оқсоқоллар кенгаши, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси, Бош қотибият ва бошқа шу каби бўлинмалар фаолият юритмоқда.

Фракция йиғилиши

Зиёрат туризми учун янги имкониятлар яратилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — “Ўсимликларни химоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.



улар билан ишлаш қоидаларининг аниқ белгиланмагани маълум даражада аҳоли саломатлигига ҳам хавф туғдирмоқда.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида туپроқнинг турли хил зарарли кимёвий бирикмалар билан зарарланиш даражасини пасайтириш, ўсимликларни биологик химоя қилиш усулларидан фойдаланишни кенгайтириш учун қўлай шароит яратилади.

Муҳокамалар давомида партия Сайловолди дастурида қишлоқ хўжалигида “хаётий ва самарали” деҳқончиликни қўллаб-қувватлаш, бу борада ривожланган демократик мамлакатларнинг экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари санотини рағбатлантиришининг турли механизмларини қўллаш соҳасидаги тажрибасидан кенг фойдаланиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгилангани қайд этилди.

ЯНА ОБУНА ҲАҚИДА

Обуна пайтида яна бир ғалати жараён кўзга ташланади. Обуна иши билан асосан тахририятлар ва бу жараёндан манфаатдор шахслар шуғулланидилар. Бир қарашда бу ҳолат кишида тўғридек таассурот қолдиради. Ахир маҳсулот чиқарган, яъни газета-журнал нашр этишга масъул бўлган тахририят унинг савдоси билан ҳам шуғулланиши керак-да. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу ўринда маҳсулот савдоси билан фақат тахририят эмас, буюртмачи ҳам шуғулланиши лозим. Буюртмачи эса газета-журналларнинг муассислари ҳисобланади. Чунки босма нашрлар муассисларнинг ғоялари, фикрлари, хулосалари асосида шаклланади. Шундай экан, муассислар қўл остидаги нашрларнинг обуналарига биринчи навбатда жавобгар бўлишлари керак. Афсуски, кўп муассислар тахририятлар билан ҳамкорликни улар устидан раҳбарлик қилиш, буйруқ бериш, деб тушунишади.

ҲУРМАТ ҚАНИ, ҲАЙДОВЧИ?

Ахир ибодатга бораётган мусулмон бошқаларга озор етказмаслиги керак-ку! Омма фойдаланадиган йўлни тўсиб қўйиш иймонли одамнинг иши эмас. Шариат аҳкомларида ибодатга пиёда боришнинг афзаллиги, савоби кўпроқ дейилган. Намозхонлар ақалли жума кун машина бошқариш одобида бошқаларга ўрнатилган бўлсалар, нур устига нур бўларди.

2023 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Боғланиш учун телефонлар:
91 165-02-66. 97 900-72-15

Обуна индекси — 100



ТУРКИЙ ДУНЁ САМАРҚАНД БАҒРИДА БИРЛАШДИ



Камол МАТЁКУБОВ,
"Adolat" газетаси
махсус мухбири

Ўтган йўғилишда Биринчи туркий агро-форум ташкил этилди. Уни келгусида анънавий ўтказиш белгиланди ва агро-форум доирасида туркий тилли давлатлар ўртасида агросаноат маҳсулотларини айирбошлашга эътибор қаратилди.

Туризмни ривожлантириш, туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ўзаро тажриба алмашиш борасида ташкил этилган "Еш лидерлар" форуми ҳам амалга ошган ташаббуслардан бири бўлди. Форум шу йилнинг 3-4 июнь кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилди. Натигада Бухоро шаҳри "Турк дунёсининг биринчи ёшлар пойтахти", деб эълон қилинди. Форум доирасида "Туркий дунё ёшлари боғи", "Бухоро шаҳри биринчи туркий дунё ёшлар ташаббуслари пойтахти" монументлари очилди.

Навбатдаги амалга ошган ташаббус Алишер Навоий номидаги "Турк дунёси борлигини таъминлашга қўшган ҳиссаси учун" халқаро мукофотининг таъсис этилиши бўлди. 2021 йили 12 ноябрда Истанбул саммитида ушбу мукофотнинг таъсис этилгани ҳақида қарор қабул қилинди. Шу йили Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ана шу юксак мукофот билан тақдирланди. Ушбу халқаро мукофотнинг таъсис этилиши туркий тилли давлатларни бир-бирига яқинлаштиришга, дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз Президентини ва ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг раҳбарлари томонидан билдирилган тақдирлар ва ташаббуслар навбатдаги саммит ҳамда анжуманларда ўз ижросини топиб бораверади.

Дунё сийасатдонлари ва халқаро экспертлар Самарқандда бўлиб ўтаётган Туркий давлатлар ташкилотининг анжуманини шу ташкилотнинг биринчи саммити сифатида тарихда қолади, деб баҳолашмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки ушбу саммит туркий тилли давлатлар яхлит ташкилотга бирлашганидан кейин биринчи марта ўтказилмоқда. Қолаверса, унда кўтарилган муаммолар, кун тартибига қўйилган масалалар кўламини, минтақаларо ҳамкорликларни янада кучайтиришга оид тақлиф ва мулоҳазалар, ташаббуслар ниҳоятда кўп. Жумладан, саммит доирасида Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий каби туркий тилли халқларнинг улўғ алломалари, шоирлари маданий меросини ҳар тарафлама жиддий ўрганиш, уларга бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўйича туркий давлатлар ташкилоти тузилмаси, туркий халқлар меросини ўрганиш халқаро маркази, IT мутахассислар платформаси, Инжиниринг-технология маркази ҳамда туркий давлатларнинг савдо ҳамкорлиги бўйича тадқиқот маркази каби яратилган доир муносабатлар ишлаб чиқишлири кутилмоқда. Шунингдек, ушбу саммитда ёшлар ташаббусларини қўллаб-қуватлаш, савдо, инвестиция, яшил иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникация, таълим ҳамда маданият соҳаларидаги ҳамкорликларни кенгайтириш масалалари ҳам кун тартибига қўйилган.

9-10 ноябрь кунлари саммит доирасида "Боқий шаҳар" мажмуасида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг Ташқи ишлар, Иқтисодиёт, Савдо, Транспорт ва бошқа вазирликлар, турли идоралар вакиллари оммавий ахборот воситалари учун брифинглар ўтказилди. Туркий давлатлар ташкилоти бош қотиби Бағдод Амреев саммитда амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берди. Уларнинг маълумотларига қура, Туркий давлатлар ташкилотининг айна кунларда "Инвестициявий жамғармаси ҳақида"ги битим, "Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида халқаро аралаш юк ташиш тўғрисида" битим, "Транспорт соҳасида ўзаро боғлиқлик дастури" каби ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Умуман, Туркий давлатлар ташкилоти туркий тилли мамлакатларни бирлаштириш, кўплаб соҳаларда ривожланиш истиқболларига эга бўлган минтақавий ташкилотдир. Унинг нуфузи ва бўриси халқаро миқёсда ҳам ошиб бормоқда. Ҳозирга қадар 15 га яқин мамлакат Туркий давлатлар ташкилоти билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилиш борасида иштакларини билдиришган. Самарқанд ўз бағрида ана шундай нуфузли ташкилотни ва унинг вакилларини, бошқача айтганда, туркий дунёни бирлаштирмоқда. Халқаро саммит бугун ўз ишини бошлайди.

даний-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. Сир эмас, ташкилотга аъзо мамлакатлар халқлари қадим-қадимдан бир тарихий илдиизга эга. Шу сабаб бу мамлакатлар халқлари ўртасида нафақат дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, балки маданий, маънавий, маърифий ҳамкорликларга кенг йўл очиб бериш ҳам ҳаётий зарурат ҳисобланади. Айниқса, бугун тараққиёт ҳаётининг асосига айланган экан, таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорликлар, фан соҳасидаги академик алмашинувлар, қўшма маданий тадбирлар, маданият, санъат аҳлиларининг борди-келдилари ниҳоятда зарур.

Эндилдикда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ягона алифбога ўтиш масаласи кўриб чиқилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Мамлакатимизда туркий тилли давлатлар ижодкорларининг сараланган 100 жилдлик асарлари нашр қилинаётганлиги ҳам ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимиз Президентини ушбу ташкилотни амалга оширилмаган катта имкониятлар ва бирлаштирувчи кучга, салоҳиятга эга бўлган минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизми деб атаган ҳамда "Мамлакатларимиз долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда", деб таъкидлаган эди. Шу билан биргаликда давлатимиз раҳбари ушбу ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 35 дан ортқ аниқ ва муҳим ташаббусларни илгари сурган эди. Ҳозирги пайтга қадар ана шу ташаббусларнинг 20 дан ортқи амалга ошди.

Хусусан, Президентимиз ташаббуси асосида мамлакатимизда "Еш тадбиркорлар форуми" ташкил этилди. Ўтган йилнинг 20 сентябрида республикамизда форумнинг "IDEA – Еш тадбиркорлар форуми" деб номланган биринчи йўғилиши бўлиб ўтди. Бу форумда Озарбайжон, Туркия, Венгрия, Қозғистон, Қирғизистон ва юртимиздан 200 дан ортқ еш тадбиркорлар, экспертлар, Туркий тилли давлатлар ташкилоти вакиллари қатнашдилар. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар аҳолисининг 29 фоизини, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлса, ёшлар ва уларнинг лойиҳаларини қўллаб-қуватлаш, тадбиркорлигини ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратиш ташкилотга аъзо мамлакатлар иқтисодиётларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Амалга оширилган ташаббуслардан яна бири транспорт ва божхона тартиб-тамоилларини рақамлаштириш билан боғлиқ. Бу борада туркий тилли давлатлар ўртасида катта ишлар амалга оширилди. Айни пайтда Ўзбекистоннинг йирик логистика марказлари – "Universal Logistics Service" (Тошкент), "Akhtachi" (Андижон), "Termez Savdo Centre" (Сурхондарё) 2021 йилнинг 14 октябидан бошлаб Туркий давлатлар ташкилотининг "Биродар портлар" гуруҳига қўшилди.

Маълумки, халқаро туркий ташкилот "Турксои" томонидан 2012 йилдан бошлаб ҳар йили ташкилотга аъзо давлатларнинг машҳур ва тарихий шаҳарларини "Туркий дунё маданияти пойтахти" деб эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Шу асосда 2021 йилда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар туризм вазирларининг навбатдаги йўғилишида Қўқон шаҳри 2022 йилда "Турк дунёсининг туристик пойтахти" деб эълон қилиниши амалга ошган навбатдаги ташаббуслардан бири бўлди.

Амалга ошган ташаббуслардан яна бири аграр соҳа билан боғлиқ бўлди. Шу йилнинг 3-4 июль кунлари Тошкент шаҳрида ташкилотга аъзо давлатларнинг қишлоқ хўжалиги бўйича вазирларининг биринчи йўғилиши бўлиб ўтди. Улар иштирокида

Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилоти ўз бағрига бешта мамлакатни – Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатларини бирлаштиради. Яна икки мамлакат – Туркменистон ва Венгрия кузатувчи мақомига эга.

Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилотга 2019 йилнинг октябр ойида аъзо бўлган эди. Хўш, ўтган давр ичида Туркий тилли давлатлар ташкилоти билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик натижалари, муваффақиятлар нималарда кўзга ташланади?

Бу ўринда истиқболли ҳамкорликлар учта йўналишда намоён бўлади.

Биринчи йўналиш – республикамиз ва Туркий тилли давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва ўзаро савдо ҳамкорлиги ошириш билан боғлиқ. Бу ўринда ҳамкорлик доирасида иқтисодиётни мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, инфратузилмаларни такомиллаштириш ва бошқа муҳим лойиҳаларни ҳаётга жорий қилиш белгиланган ҳамда уларнинг аксарияти бажарилган. Савдо ҳамкорлиги нуқтаи назаридан Каспий денгизи орқали Шарқ-Ғарб йўлига ташкил этилмоқда. Бу йўлак "Туркистон йўли"га босқичма-босқич уланмоқда. Ана шу йўлақлар доирасида божхона тартиблари соддалаштирилмоқда ва давлатларнинг қонун-қоидаларига уйғунлаштирилмоқда.

Бу йўналишда маълум ишлар бажарилган. 2021 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида "Рақамли ТИР" пилот лойиҳаси ишга туширилди. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб ушбу лойиҳа доирасида Қирғизистон билан ҳам иш бошланди. Ташкилот савдо-ҳаракати билан дунёда биринчи марта Ўзбекистон ва Туркия ўртасида "ePermit" лойиҳаси тест режимида фаолият бошлади. Эндилдикда ушбу лойиҳа доирасида Қозғистон билан ҳамкорлик ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзаро манфаатли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ташкилотга аъзо давлатлар учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам қулай имкониятларни яратмоқда. Хусусан, Туркий тилли давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритдилар. Бу мамлакатимизга киритилган хоржий инвестициялар умумий ҳажмининг 10 фоизини ташкил этади. Ана шу инвестицияларнинг 1 миллиард АҚШ долларидан ортқи 2021 йилда киритилган. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, Туркий тилли давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг Ўзбекистонга киритган инвестициялари кейинги бир йил ичида аввалги йилларга нисбатан 30 фоизга ошди.

Бундай ўсишни савдо-сотиқ соҳасида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон билан ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ўтган йилда 9,3 миллиард АҚШ доллари тенг савдо-сотиқ ишлари амалга оширилган. Бу эса уларнинг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улўшининг 20 фоиздан ошқ эканини кўрсатади. Бошқача айтганда, 2021 йилда аввалги йилларга қараганда Ўзбекистон ва ташкилот аъзолари бўлган давлатлар ўртасидаги савдо ҳажми 3 бараварга ошган.

Ҳамкорликнинг иккинчи йўналиши рақамли трансформация билан боғлиқ. Маълумки, соҳаларда рақамлаштиришни жорий этиш ҳар қандай давлатнинг тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, бу масала Туркий тилли давлатлар ўртасида ҳам ниҳоятда долзарб ҳисобланади. 2021 йилда Истанбулда ўтган саммитда қабул қилинган муҳим ақтлардан бири – "Туркий дунё нигоҳи – 2040" стратегик ҳужжатида ҳам бу масалада алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, ҳужжатда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида телекоммуникация инфратузилмасини яхшилашга имкон берадиган минтақаларо рақамли алоқани ўрнатish масаласи белгиланган.

Ҳамкорликнинг учинчи йўналиши ма-

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

NBU

**KONSTITUTSIYAMIZNING
30 YILLIGI MUNOSABATI BILAN
"KONSTITUTSIYA
RANGLAR JILOSIDA"
RASMLAR KO'RIK-TANLOVI O'TKAZILMOQDA**

BATAFSIL
www.adolat.uz @adolat_uz @sdpu.adolat @adolat_sdp

«Конституция ранглар жилосида»

танловининг ҳудудий босқичи якунланди

Бахтимиз қомусининг моҳияти ва унинг давлат ривожиди тутган ўрнини ёшлар онгига синдириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тарихот тадбирларининг энг аълоси ижодий танловлардир. Ўз қўллари билан яратилган асарлар, турли тасвирлар ёшларнинг тасаввурини янада кенгайтириб, мавзу моҳиятини яхшироқ англашига кўмак беради.

«Адолат» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллигига бағишланган «Конституция ранглар жилосида» расмлар кўрик-танлови ана шу эзгу мақсадни қамраб олган. Республикаимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб юксак савияда ташкил этилган танловнинг ҳудудий босқичи ўз ниҳоясига етди.

Бу борада ҳудудлардан кўрик-танлов комиссиясига узлуқсиз хабарлар келиб турибди. Жумладан, партиянинг Учқўприк туман кенгаши томонидан тумандаги ахборот-кутубхона марказида туман халқ таълими бўлими ҳамда туман маънавият ва маърифат бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг ҳудудий босқичи ҳудуддаги иқтидорли ёшларга унутилмас онларни тўхфа этди. Зеро, иқтидорли ўқувчилар ўз ижодий ишлари орқали она Ватанимиз тинчлиги, бахтиёр болалик, оила қувончи, бахтимиз қомусини турли рангларда акс эттирдилар.

Кува туманининг 13-сонли мусиқа ва санъат мактабида партиянинг туман кенгаши томонидан ўтказилган танлов ҳам жуда қизиқарли ва ҳаяжонли кечди. Унда партия вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ш.Эгамов иштирок этиб, ғолибларга партиянинг эсдалик совғалари ва ташаккурномаларини топширди.

Қўштепа туман кенгаши томонидан туманининг 15-сонли мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган тадбирда ҳам ўқувчилар турли тасвирларда ўз келажиги, бугунги ҳаёти, яқинлари қувончини Конституция тасвири билан ёнма-ён акс эттириб, тасаввурларини қозғоларга муҳрадилар.

«Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳам мазкур кўрик-танловнинг ҳудудий босқичини юқори савияда ташкил этишга қаратилган бир қанча ишларни амалга ошириб, барча шаҳар ва туманлардан ёш рассомларнинг ижодий ишларини қабул қилди. Жорий йилнинг 7 ноябрь кунини ушбу кўрик-танловнинг ҳудудий босқичи учун расмларни қабул қилиш жараёнлари ўз якунига етди. Ёш рассомлар ушбу кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидан фаол иштирок этиб, Конституцияимизнинг ҳар бир моддасини ўз ижодий ишларида намоён этишди. Шаҳар ва туманлардан келган барча ижодий ишлар комиссия аъзолари томонидан саралаб олиниб, кўрик-танловнинг республика босқичига жунатилди.



Кунини кеча Хоразм вилоятида мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи учун саралаш жараёнлари бўлиб ўтди. Соҳа мутахассислари ва партия фаоллари, қолаверса, танлов ташкил этилишида яқиндан ёрдам берган ҳамкор ташкилотларнинг вакилларида тузилган комиссия аъзолари иқтидорли ёшларимиз томонидан тақдим этилган ижодий ишларга адолат мезонлари асосида баҳо бердилар.

Мазкур кўрик-танлов доирасида Навоий вилояти миқёсида барча умумтаълим мактаблари, "Баркамол авлод" болалар мактаблари ҳамда тасвирий ва амалий санъат мактабларидан ўқувчи ёшлар ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этди. Аҳамиятлиси, вилоятда ушбу танлов учун вилоят ҳокимлиги, маданият бошқармаси, "Баркамол авлод" болалар мактаби ҳамда Ўзбекистон Қоғий академияси ҳамкорлигида ишчи гуруҳ шакллантирилиши тадбирнинг юқори даражада ўтишига замин яратди.

Танловда иштирок этган ёшлар Бош қомусимизнинг муқаддаси ҳамда 128 моддаси мазмун-моҳиятини ўзига хос тарзда ёритиб бериш орқали билим даражаси ва дунёқараш юксаклигини намоён этишди.

Танлов комиссияси аъзолари томонидан ўқувчи ёшлар тақдим этган ижодий ишларнинг республика босқичи учун муносиблари саралаб олинди.

Зиёрат туризми учун янги имкониятлар яратилади

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси бўйича партия позициясидан келиб чиқиб, бир қатор тақлифлар беришди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши орқали ўсимликларни ҳимоя қилишда босқичма-босқич зарарли организмларга қарши кимёвий кураш усулидан биологик қарши кураш усулига ўтилиши айтилиб, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ийгилишда "Измир шартномасини (Измир, 1996 йил 14 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Депутатларнинг айтишича, Ўзбекистоннинг улкан туристик салоҳияти, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий, жаҳонга машҳур шаҳарларнинг мавқудлиги ҳамда ислом дунёсининг қўллаб-қувватлашга жойлашганини инобатга олиб, ИХТ доирасида ушбу соҳадаги ҳамкорликни фаоллаштириш Ўзбекистонда зиёрат туризми саноатини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди.

Ийгилишда кун тартибидидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА АДВОКАТУРА

Тараққиёт стратегиясининг 19-мақсади – “Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш” дан иборат.

Бу устувор мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

биринчидан, адвокатура институтини тўлақонли ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш ва адвокатурага ёш, малакали кадрларни жалб қилиш;

иккинчидан, Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш;

учинчидан, адвокатлар малакасини ошириш тизимининг замонавий ва институционал асосларини шакллантириш;

тўртинчидан, адвокатлик фаолиятини рақамлаштириш. Бошқача айтганда, адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали орғиқча бюрократия ва қоғозбозликка чек қўйиш, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш;

бешинчидан, бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш;

олтинчидан, нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларининг хизматларидан оворагарчиликсиз, шу жумладан, масофадан туриб ва “ягона дарча” тамойили асосида фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Бу борадаги ҳуқуқий ва ташкилий ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Айниқса, адвокатларнинг онлайн лицензия олиш имконияти яратилаётгани оворагарчиликларга чек қўйиб, бор кучини фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга сарфлашга йўл очади. Малака имтиҳонини топшириш, лицензия олиш, адвокатлик буюрсини рўйхатдан ўтказиш, адвокатлик гувоҳномасини олиш бўйича композит хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, “Юридик ёрдам” ахборот тизими яратилмоқда. Ушбу тизим адвокат сўровини электрон юбориш, электрон тартибда адвокат ордерини олиш, адвокатлар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашиш имконини беради.

Бу, ўз навбатида, адвокатнинг электрон шахсий кабинетни орқали жисмоний ва юридик шахслар билан онлайн мулоқот қилиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда масофадан туриб юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида онлайн битимлар (шартномалар) тузиш ва онлайн юридик ёрдам кўрсатилмишига ҳам йўл очади.

АДВОКАТУРАНИНГ КОНСТИТУЦИОНАЛ МАҚОМИ

Мамлакатимизда конституциявий ислохотлар давом этмоқда. Умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушган таклифлар асосида ушбу ҳужжат маромига етказилмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасининг бевосита адвокатура тизими билан боғлиқ янгиликлари нимада?

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, **адвокатларнинг конституциявий ҳуқуқий институт сифатидаги мақоми янада оширилиши** муҳимлигини таъкидлаш лозим. Чунки ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши ҳамда ҳимоя қилиши учун юридик кўмак олишида айнан шундай юксак мақомдаги институтнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамалари асосида адвокатура институтининг ўрни ва аҳамиятини юксалтириш юзасидан кўплаб таклифлар келиб тушди. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясига “Адвокатура” деб номланувчи алоҳида боб киритиш ва унда адвокатларнинг асосий мақсад, вазифа ва функциялари ҳамда мақомини кучайтиришга оид таклифлар берилган.

Шунингдек, фуқароларнинг таклиф-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасини қуйидаги янги тахрирда бериш таклиф этилмоқда:

«**Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминланади.**»

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, **гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. Қонунни қўллаш жараёнида юзага келадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериш шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.**

Ҳеч бир шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Озодликдан маҳрум этилган барча шахсларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиниши ва уларнинг шахсий қадр-қиммати ҳурмат қилиниши керак.

Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмалиги керак».

Бундан ташқари, Конституциямизни қуйидаги мазмундаги 26-1-модда билан тўлдирриш таклиф этилмоқда:

«**Ҳар бир шахс адвокат ёрдамидан ўз танловига кўра ҳамда жиноят процессининг ҳар қандай босқичида фойдаланиш, шахс ушлаб турилганда эса унинг ҳаракатлаштириш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан фойдаланиш ҳуқуқига эга.**»

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниш, ўзига қарши кўрсатма берган гувоҳлар билан юзлаштирилиш, ўз фойдасига кўрсатма бераётган гувоҳларнинг қаққиртирилиши ҳуқуқига эга.

Янги Ўзбекистон Адвокатураси:

Тараққиёт стратегиясида ушбу соҳани ривожлантириш алоҳида мақсад этиб белгиланган

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан оқил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳуқуқбузарликлардан ва ҳокимиятнинг суистеъмол қилишдан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга оқил судловдан фойдалана олмиши ва етказилган зарар компенсация қилинишини таъминлайди.

Ҳар бир шахс давлат органларининг ёки улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга».

Бу ўринда, хусусан, юртдошларимиз Ўзбекистон Конституциясида “Миранда қоида” акс эттирилишига алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этиш аини мудоаодир.

Ўз навбатида, Асосий қонуннинг 116-моддасини қуйидаги янги тахрирда бериш таклиф этилмоқда:

«**Ҳар кимга малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқ кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам бепул кўрсатилади.**»

Терговнинг ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқ кафолатланади. Жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш учун мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланган адвокатура фаолият кўрсатади.

Адвокатурани ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

Адвокат шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашмишига йўл қўйилмайди».

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига изчил татбиқ этилаётган Тараққиёт стратегияси ҳамда халқимиз амри ва хоҳиш-истакларига кўра янгиланаётган Конституциямиз юртимизда адвокатура тизими том маънода ҳар томонлама тараққий этишининг устувор ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади.

МУСТАҚИЛ АДВОКАТУРА КОНЦЕПЦИЯСИ

Мамлакатимизда адвокатура институтининг салоҳиятини ошириш учун бошқа бир қатор муҳим ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Фикримизча, шулардан бири – **Адвокатура тўғрисидаги кодексини** ишлаб чиқиш заруратидир. Унда соҳага оид барча қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз муҷассамини топиши лозим.

Юридик хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳуқуқий асослари ҳам тақомиллаштирилмоқда. Хусусан, “Шартномавий ҳуқуқий база ва юридик хизмат тўғрисида”ги ҳамда “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, Аҳолини яхлит ҳуқуқий ҳимоя қилиш концепцияси лойиҳалари тайёрланмоқда.

Яна бир муҳим ҳужжат, яъни Мустақил адвокатура концепциясини тайёрлаш бўйича ҳам қизғин иш бормоқда. Концепция, хусусан:

• тергов ва суднинг барча босқичларида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида адвокатнинг ролини мустақамлаш;

• Адвокатлар палатасининг фаолиятини янада тақомиллаштириш, унинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, адвокатура институтини тўлиқ ўзини ўзи бошқариш тизимига ўтказиш, Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдида ҳисобдорлигини ошириш, тизимга ёш ва малакали мутахассисларни жалб этиш;

• “рақамли адвокатура”ни ривожлантириш каби асосий йўналишлардаги вазифаларни ўзида қамради.

Шу ўринда “рақамли адвокатура”ни ривожлантириш учун:

биринчидан, адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

иккинчидан, адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олиншини таъминлаш мақсадида адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини самарали йўлга қўйиш;

учинчидан, адвокатлар томонидан махсус ахборот дастури орқали жисмоний ва юридик шахсларга онлайн юридик ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш;

тўртинчидан, адвокатура фаолияти учун зарур ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотларни шакллантириш ҳамда уларда сақланган маълумотларнинг комплекс ҳимоя қилиниши ва махфийлигини таъминлаш лозимлигини қайд этиш муҳим.

Табиийки, адвокатура тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг аҳамияти беқиёс. Бинобарин бу борадаги янги қадамлар тизим фаолиятида инсон омилини бартараф этиш орқали адвокатура институтининг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан мустақиллигини ошириш имконини беради.

Адвокатура – давлат органи эмас, балки ўз ишини яхши биладиган ва зиммасидаги вазифаларнинг маъсулиятини чуқур англайдиган моҳир касб эгаларининг ҳамжамиятидир. Шу маънода, қуйидаги таклифларни илгари сурмоқчимиз:

биринчидан, **Адвокатура кўни** – адвокатлар ҳамжамияти вакилларининг касб байрами санасини белгилаш;

иккинчидан, “Энг яхши адвокат” кўрак нишонини таъсис этиш;

учинчидан, “Адвокатларнинг ягона давлат реестри”ни шакллантириш орқали нафақат фуқаролар, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар учун ҳам жуда асқотадиган яхлит, очиқ ва ишонгли ахборот манбасини яратиш керак.

АДВОКАТЛАР МАЛАКАСINI OШИРИШ ВА ИМИЖINI ЮКСАЛТИРИШ – ДОЛЗАР ВАЗИФА

Маълумки, 2020 йил 30 июнь кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти қузурида ўтказилган оқил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида суд-ҳуқуқ тизими, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлиши адвокатура соҳасига доир муаммолар ҳам кўриб чиқилган. Ушанда адвокатура муаммолари тилга олинган экан, аввало, кадрлар танқислиги ва сифати масаласига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда 4 мингдан ортқ адвокат фаолият юритиши, яъни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 8,5 минг кишига ўртача 1 та адвокат тўғри келиши, уларнинг ҳам 43 фоизи, яъни 1 минг 733 нафари Тошкент шаҳрида иш олиб бориши таъкидланди. Қолаверса, Самарқанд, Андижон, Термиз, Нукус, Миришкор, Зафаробод, Узун каби 20 та туманда бирорта ҳам адвокатлик фирмаси рўйхатдан ўтмагани танқид қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шу муаммоларнинг ечими сифатида адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этишни бекор қилиш, талабалардан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш вазифаларини белгилаб берди. Шунингдек, юридик олий ўқув юрталарида “адвокатлик фаолияти” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш лозимлигига эътибори қаратди.

Бунга қадар, **биринчидан**, Юртбошимиз томонидан Адвокатлар палатаси қузурида **Адвокатлар академиясини** ташкил этиш ташаббуси илгари сурилганини эслатиш мақсада мувофиқдир. Бўлажак **Адвокатлар академияси**, жумладан:

• адвокатларни тайёрлаш, малакасини ошириш, ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича ихтисослаштириш;

• бугунги жадал глобаллашадиган дунёда, жаҳон бозорида иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалар бўйича рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда адвокатура тараққиёти тенденцияларини аниқлаш бўйича истиқболли илмий-амалий ва инновацион тадқиқотларни йўлга қўйиш, технологик инновацияларни татбиқ этиш;

• адвокатларга тақдим этиладиган кафолатлар ва адвокатлик хизматлари кўрсатишга тааллуқли халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, адвокатлик ҳуқуқи ва адвокатларнинг касбий тайёргарлигини оширишга оид замонавий ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда дастурлар ишлаб чиқиш каби вазифалар билан шуғулланади.

Иккинчидан, кузатишларимиз шуни тасдиқлайдики, талабаланинг “қаттиқ номи”ни тотган ёш мутахассислар орасидан, албатта, энг яхши адвокатлар этилиб чиқади. Шундай экан, юридик йўналишидаги олий таълим муассасаларида адвокат кадрларни тайёрлаш, “Адвокатлик ҳуқуқи” ўқув курсини жорий этиш, талабаларнинг адвокатура соҳасида амалиёт ўтишини ташкил этиш каби масалаларга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади.

Учинчидан, адвокатлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган зарур ташкилий-ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш даркор. Бундай чораларни, айниқса:

- ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти;
- фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш;
- ҳуқуқий тарғибот-тушултириш ишлари;
- ҳуқуқий тарбия йўналишларида изчил амалга ошириш тақозо этилади. Нега деганда, адвокат – қонунийлик, адолат ва инсонпарварлик намунаси бўлиб хизмат қилар экан, ҳуқуқ соҳалари бўйича чиққан ва чинакам малакасини оширган бўлиши шарт.

Тўртинчидан, адвокатлар имижини юксалтириш ва бугунги кун адвокатининг қиёфасини яратиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Бунда “Ўзбекистон адвокатура: тарих ва ҳозирги замон”, “Ўзбекистон адвокатураси жараёнлар ва шахслар тимсолида” каби китобларни нашр этиш орқали ўтмишдаги ва бугунги кундаги таниқли адвокатларнинг тугган ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш жуда муҳим.

АДВОКАТЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Давлатимиз раҳбарининг фикрича, “адвокатура институтини мустақиллиги, адвокатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларининг кўриб чиқилиши ва тегишли баҳо берилиши билан боғлиқ масалаларда парламентнинг роли ва аҳамияти **ошириш**” лозим бўлади (“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китоби, 110-бет).

Шу мақсадда: **биринчидан**, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Адвокатура институтини мустақамлаш комиссияси фаолиятини самарали ташкил этиш;

иккинчидан, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва суд органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари қузурида **адвокатура ваколатхоналари** институтини татбиқ этиш;

учинчидан, судьяларнинг лавозимига тайинлиниши жараёнларида адвокатларнинг фикрларини инобатга олиш каби муҳим масалалар кун тартибига қўйилган. Дарвоқе, парламентимиз адвокатура институтининг фуқаролик жамияти тизимидеги ўрни ва аҳамиятини юксалтириш йўналишида ҳам ҳуқуқий ва ташкилий кўмагини яамаслиги керак, деб ўйлаймиз. Чунки, аслида, **адвокатура – фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маслаҳатчиси**дир.

Аммо, афсуски, айни пайтда адвокатура тизими ўз қобилигига биқиниб олганидан кўз юма олмаймиз. Адвокатларнинг ижтимоий ҳаётдаги овози ҳам деярли эшитилмапти.

Шубҳасиз, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтармасак бўлмайди. Ўйлашимча, бунинг учун “**Сизнинг адвокатингиз**” мавзуда телекўрсатув очил, адвокатура тизими фаолиятини ёритадиган турли даврий нашрлар таъсис этиш катта аҳамиятга эга.

Қолаверса, Ўзбекистон Юристар уюмасини ташкил этиш керак, деган фикрдаман. Бундай ҳамжамият ёши, касб-кори ва фаолият йўналишидан қатъи назар, юристимизнинг барча ҳуқуқшуносларини ўз сафида жамлаш ҳар томонлама тўғри бўларди.

АДВОКАТУРА: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗБЕКISTON ТАЖРИБАСINING ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФИ

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг юридик хизматлар кўрсатиш бозори кўп жиҳатдан епиқлигини тан олиш керак. Мамлакатимиз адвокатлари халқаро судлов органлари ва арбитражларининг маҳкамаларида деярли иштирок этмайди.

Шу маънода, бугунги ислохотлар талабидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши билан боғлиқ равишда миллий қонунчиликни тақомиллаштириш лозим. Бу – **биринчидан**.

Иккинчидан, Адвокатлар палатаси қузурида **Халқаро адвокатура марказини** тузиш зарур.

Учинчидан, адвокатларимизга хорижий тилларни ўргатишни йўлга қўйишимиз даркор.

Шу ўринда 2022 йил 2-5 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси Женевага ташрифи доирасида “Конституциявий ислохот: инсон қадри ва ҳуқуқларини таъминлаш – бош мақсад” мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказганини қайд этмоқчиман. Уша форумда иштирок этган БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаширининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус мавзусида Диего Гарсия-Саян қуйидаги фикрларни билдирди:

“Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда адвокатлар ва судьяларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш жуда муҳимдир. Бу борада муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев жаноб олийларининг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий янгиликларнинг юксак баҳого лойиқдир.

Ўзбекистоннинг янги Президенти мамлакат бошқарувига келган даврдан эътиборан юртингиз ҳаётининг барча соҳаларида мақбул ўзгаришлар шиддатли суруъатларда амалга ошириладиганини кузатиб келмоқдамиз. Шу жумладан, очиқлик ва транспарентликни таъминлаш, судьялар ва адвокатларнинг мустақиллигига эришиш йўлида салмоқли одимлар қўйилганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ўзбекистонга бундан уч йил олдин амалга оширган ташрифимни мамнулик билан эслайман. Ушанда Ўзбекистон Президенти ва тегишли муассасалар раҳбарлари билан самарали мулоқотлар олиб боргандик.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу ўзаро ишончга асосланган мулоқотларимиз ўз самараларини берганини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки айни вақтда мамлакатингизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ижобий томонга изчил ривожланаётганини кўриб турибмиз.

Мамлакатда ўлим жазоси қўлланмаслиги ҳақидаги норманинг Конституциянгизда мустақамлаб қўйилиши олқийлайман. Албатта, “Хабас корпус” институтини ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаётгани ва шахсларнинг мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиши кафолатланаётгани ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Конституциянгизда қонун устуворлиги принциплари ўрнатилганлигини диққатга сазовор. Айниқса, “Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат” тамойилининг янгиланаётган Асосий қонунда ўз аксини топиши ҳавас қилса арзигуликдир.

Шу ўринда Бош қомусингизда том маънодаги ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қаққолати бўлиб хизмат қиладиган конституциявий нормалар қарор топишига чин дийдан кўмакдошман. Чунки бунинг натижасида судьялар, янада муҳими, адвокатларнинг ҳақиқий мустақиллиги сўзсиз таъминланади”.

Албатта, бундай самимий ва холис эътирофлар яқин келажакда Ўзбекистонда адвокатура тизимини ривожлантириш соҳасида эришилаётган беқиёс натижалар бошқа мамлакатлар учун ибрат ва намуна сифатида эътибор қозониши эҳтимоли катталигидан далолат беради.



Семинар



Янги тахрирдаги Меҳнат кодекси ўрганилмоқда

Наманган вилоятида янги тахрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси бўйича катор тарғибот-тушунтириш тадбирлари ташкил этилди. Уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этдилар.

Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини фуқароларимизга атофлича етказиш орқали унинг ижросини таъминлашни назарда тутувчи семинарлардан бири Тўрақўрғон туманида ўтказилди. Семинарда парламентдаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов қатнашди.

Семинар иштирокчилари биринчи навбатда Меҳнат кодексининг янги тахрирда қабул қилинишининг сабаблари ва аҳамияти, унга киритилган меъёрларга эътибор қаратдилар, – дейди Дилмурод Исмоилов. – Масалан, иш вақти тартибининг турли хил кўри-нишларидан фойдаланиш (сменили иш, мослашувчан иш режими, иш кунини қисмларга бўлиш ва ҳоказо), шунингдек,

иш вақтини ҳисобга олишнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш (кундалик, ҳафталик ёки умумлаштирилган иш вақти ҳисоби) имкониятлари кенгайтирилганлиги таъкидланди. Хизмат текширувларини ўтказишнинг ҳуқуқий асоси ва тартиби аниқ белгилаб қўйилган ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Билдирилган фикрларни умумлаштирсак, янги тахрирда Меҳнат кодексининг кучга кириши ходимларнинг иш шaroитларини янада яхшилашга, уларнинг меҳнатлари учун адолатли ҳақ тўлашига, меҳнатга мажбурлашнинг олдини олишга, ходимларнинг дам олишга бўлган ҳуқуқларини янада кенгайтиришга, пировард натижада

иш унумдорлигини оширишга, меҳнат қонунчилигини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштиришга асос бўлади.

Анжуманда сўзга чиққанлар янги кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида ўндан ортиқ халқаро ташкилотнинг қатор конвенциялари, 60 дан зиёд давлат тажрибаси ўрганилгани, кодекс лойиҳаси Қонунчилик палатасида бир йил давомида таҳлил этилиб, тақомилга етказилганлигини қайд этдилар. Янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг ҳажми амалдагисига нисбатан деярли уч баробар катта бўлиб, 581 та моддadan иборат. Ҳужжатдан бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқишни назарда тутувчи нормалар илк бор ўрин олган.

– Бундай семинарларни ўтказишнинг аҳамияти жуда катта, – дейди халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Саидолим Абдурахмонов. – Чунки янги тахрирдаги кодекс аввалгисидан анчагина фарқ қилади ва бугунги кун талабларига тўла мос тушади. У меҳнат муносабатлари соҳасидаги қатор муаммоларни бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда қонуний ҳал қилиш имконини беради. Биз, депутатлар, бандлик маркази мутахассислари, ҳуқуқшунослар янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқишни назарда тутувчи нормалар илк бор ўрин олган.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

“Адолат” шарҳи

Ходимлар манфаатига хизмат қилади

Жорий йилнинг 28 октябрида тасдиқланган “Янги тахрирдаги Меҳнат кодекси” олти ойдан сўнг кучга киради.



Феруза АБДУЛЛАЖОНОВА, Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси Фарғона вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқи инспектори

Шубҳасиз, меҳнат бозорининг келажақдаги ривож учун хизмат қиладиган янги тахрирдаги Меҳнат кодекси мамлакатимизда иқтисодий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш, жумладан, инвестиция муҳитини яхшилаш борасида мамлакатимиз меҳнат қонунчилигини тақомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди. Алоҳида қайд этиб ўтишимиз жоиз, амалдаги кодексдан тубдан фарқ қиладиган мазкур меъёрий ҳужжатда меҳнат бозоридagi барча иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлақонли акс эттирилган.

Шу ўринда, ходимларга нисбатан қўлланилаётган янги нормаларга тўхталиб ўтсак. Аввало, ходимнинг шахсга доир маълумотлари тўғрисида янги нормалар киритилмоқда. Унга мувофиқ, меҳнатга оид муносабатлар сабабли иш берувчига тақдим этилган ходимнинг, шунингдек, унинг оила аъзоларининг ҳаётидаги фактлар, воқеалар ва ҳолатлар тўғрисидаги ахборотлар ходимнинг шахсга доир маълумоти, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “Ягона миллий таълим тизими” идораларо дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4502-сон қарорига мувофиқ, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш, шунингдек, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш қонунчилиқда белгиланган тартибда “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплексидан рўйхатдан ўтказилиши шартлиги сабабли ходимнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилиш таъминланади.

Маълумки, амалдаги Меҳнат кодексига асосан, йиллик асосий таътил муддати ўн беш иш кунини ташкил этади. Янги тартибга биноан, йиллик асосий меҳнат таътили давомийлигининг энг кам муддати йигирма бир календарь кун этиб белгиланди ва халқаро стандартга мувофиқлаштирилди. 1970, Халқаро Меҳнат ташкилотининг «Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида»ги 1970 йилги конвенцияси 3-моддасида белгиланишича, «бир йиллик иш учун бериладиган таътил миқдори ҳар қандай ҳолатда уч иш ҳафтасидан кам бўлмаслиги керак».

Янги тартибга асосан, агар дам олиш кунини ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолган тақдирда, у байрамдан кейинги иш кунига кўчирилади. Янги Меҳнат кодексига асосан тўққизта ишланмайдиган байрам кунлари мавжуд. Дейлик, 1 сентябрь – Мустақиллик кунини дам олиш кунини шанба ёки яшанбага тўғри келиб қолди. Бунда қандайдир асосан, шанба ёки яшанбада назарда тутилган дам олиш кунини 2 сентябрда сурилади. Қайд этиш жоизки, бундай тартиб илгари мавжуд бўлмаган.

Бугунги кунда янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг тарғиботида бағишланган тадбирлар кенг қўламада ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Зеро, меҳнат эркинлиги ва ҳуқуқлар тенглигининг тўлиқ кафолати сифатида янги тахрирдаги Меҳнат кодекси барча меҳнатқиларнинг манфаатлари учун хизмат қилади.

Муносабат

Бош мақсад – инсон қадрли

2023 йилдан беморларни шифохонада дори воситалари ва тиббий буюмлар билан бепул таъминлаш тизими йўлга қўйилади

Бугун инсон саломатлигини муҳофаза қилишда замонавий тиббий ёрдам билан бир қаторда, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини сифатли дори-дармон билан таъминлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда тиббий-ижтимоий йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини ўз вақтида, арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жумладан, ўтган ҳафтада қабул қилинган “Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан аҳоли ва тиббиёт ташкилотларининг сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб боришга қаратилган бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, 2023 йил 1 январдан бошлаб давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали молиялаштирилган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш шифохона орқали амалга оширилиши белгиланмоқда. Бу жараён аҳоли орасида тиббий маданият янада яхшиланшига, тиббий сугуртанинг аҳамияти нечоглик муҳим эканлигини кенг-роқ тушуниш имконини беради.

Шунингдек, дастлаб республика даражасидаги шифохоналарда 2023 йил давомида тажрибасини тарқатишда беморларни шифохонада дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тизими ҳам босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда. Шу билан бирга, беморларда кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети доирасидаги дори-дармонлардан ташқари қўшимча дори ва тиббий буюмларга эҳтиёж бўладиган бўлса, ушбу хизматлар пуллик асосда шифохонага кириш қилинган нархларда амалга ошири-

лади. Бунда, шифохона томонидан харид қилинадиган дори воситаларининг нархи белгиланган улгуржи референт нархларидан юқори бўлмаслиги таъминланади.

Ушбу жараёнларнинг ўз вақтида ва сифатли ташкил этилишига эришиш мақсадида шифохоналарда дори воситалари ва тиббий буюмлар хариди бўйича мутахассис лавозими жорий этилиб, бирламчи зарур бўладиган захиранинг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шакллантирилиши таъминланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугун кенг жамоатчилик ҳамда соҳа мутахассислари томонидан дори воситалари савдоси устидан етарли даражада назорат ўрнатилмаганлиги, айрим жабҳаларда тадбиркорлар ўз фойдаларини ўйлаган ҳолда зарур турдаги баъзи бир дори воситаларини белгиланган нархлардан бир неча баробар қиммат нарҳда сотаётганлиги юзасидан ҳам кўплаб эътирозлар бўлиб туради.

Қарор билан дори воситаларининг чакана савдосида жамоатчилик назоратини жорий этиш мақсадида 2023 йил 1 майдан бошлаб жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган дори воситалари учун дорихоналар томонидан тақдим этиладиган харид чекиннинг фискал белгиси матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали солиқ органларининг махсус мобил илова-сида рўйхатдан ўтказилганда дори воситалари нархлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ахборот тизимидаги дори воситаларининг чакана референт нархлари билан автоматик тарзда солиштириш имконияти яратилиши белгиланмоқда.



Мавлудахон АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш натижасида дори воситаларининг чакана нархларига белгиланган устамалар ошириб қўлланилганлиги аниқланган тақдирда, тегишли чора кўриш учун бу ҳақида истемъолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органига автоматик равишда хабар юборилади.

Бунда харид чеки бўйича нарх дори воситасининг чакана референт нархидан ортиқ деб топилганда, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузардан белгиланган тартибда жарима ундирилади. Сотувчи ёки тадбиркор томонидан харид чекида сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўлиқ миқдорда кўрсатилмаслиги савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш сифатида белгиланади.

Умуман олганда, қарорда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ҳаётиимизга таътиб этилиши минглаб беморларга саломатлигини тиклаш жараёнида зарур бўлган дори-дармонлар ҳамда тиббиёт буюларини ўз нарҳида харид қилиш, белгиланган тартибда энг зарурий дори воситаларининг тиббиёт муассасалари орқали бепул фойдаланиш имконига эга бўлади.

Бу жараёнда эса, қарорда белгиланган ҳар бир вазифа ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилишини жамоатчилик билан биргаликда тизимли назорат қилиб бориш биз, халқ вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Сессия

“Адолат” СДП ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этиб келинаётган бир қатор лойиҳалар доирасида олиб борилган ўрганиш ишлари давомида аниқланган муаммо ва камчиликлар вилоят, шаҳар ва туман кенгаши сессияларида муҳокама этилиб, мавжуд муаммолар ечимини топмоқда.

Таъминотдаги муаммолар муҳокама этилди

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Хусусан, партиянинг Хива туман кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ҳамда тегишли ташкилот вакиллари билан тарқиб топган ишчи гуруҳнинг туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, шунингдек, ушбу соҳадаги қонунчиликни самарали ишлаштириш ҳамда соҳада депутатлик ва жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш мақсадидаги ўрганиш натижалари халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди.

Сессияда депутатлик гуруҳи раҳбари Мақсуд Эшнизовнинг ўрганиш жараёнида аниқланган муаммолар юзасидан ахбороти эшитилди. Жумладан, чекка қишлоқлар аҳолиси учун тиббий кўрикларни талаб даражасига кўтариш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатувчи муассасаларини, яъни қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини тақомиллаштириш, уларни керакли дори воситалари ҳамда зарур тиббиёт буюмлари билан доимий таъминлаш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар муҳокама этилди.

Туманда фаолият олиб бораётган маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда аҳолига қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникалар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласи туман ҳокимининг ўринбосарлари зиммасига юклатилди.

Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг ўзлари сайланган округларда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни назорат қилиш ҳамда аниқланган камчиликлар юзасидан депутатлик сўровларини юборишни фаолаштириш масаласига эътибор қаратилди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига ўз мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг соғлиқни сақлаш соҳаси билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини мунтазам равишда эшитиб бориш вазифаси юклатилди. Мақсуд Эшнизовнинг ахбороти мазмунини ўз қўли билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиб боришга халқ депутатлари туман Кенгашининг “Ешлар сиёсати ва хотин-қизлар гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси” масъул этиб белгиланди.

Nigoh



Бугуннинг гапи

Яқинда журналист дўстларимдан бири аҳолининг маълум қатламларининг матбуот нашрларига бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида норасмий сўровнома ўтказибди. Сўровномада қатнашган 100 та одамнинг 58 таси газета-журналдан бирортасини ҳам мутлақо ўқимаслигини айтибди. Сўровнома иштирокчиларидан 11 таси бир-иккита газета-журнал ўқишини билдирибди. Респондентлардан 10 таси баъзи босма нашрларга обунани бўлган экан. Сўралганлардан 13 таси оммавий ахборот воситалари ҳаётимиз учун зарур эмас, деб жавоб беришди. 7 таси газета-журналлар эндиликда талабга жавоб бермайди, деган фикрни билдиришди.

КАМОЛ МУҲАММАД ЁҚУБ, журналист

Журналист дўстим бундан 8 йил олдин ҳам шундай норасмий сўровнома ўтказган экан. Ушанда сўровнома натижалари, факт ва рақамлар бошқача бўлган экан. Яъни, газета-журналларни ўқимайдиганлар 19 та, ўқийдиганлар 46 та, обунани бўлганлар 35 тани ташкил этган.

Гапнинг ростки, саккиз йил ичида рўй берган бундай ўзгаришларга, журналист дўстимнинг норасмий сўровнома орқали аниқлаган факт ва рақамларига унчалик ишонмадим. Эҳтимол, у аҳолининг оммавий ахборот воситаларига эътибор бермайдиган, босма нашрларни тан олмайдиغان қисми ўртасида сўровнома ўтказгандир, балким респондентларнинг саволларга жавобларини келтиришда, уларнинг қайси саволларга жавоб берганини аниқлашда янглишгандир, деган фикрга келдим.

Ахир эътибор беринг, 8 йил ичида босма нашрларни ўқимайдиганлар уларни мутлола қиладиганларга, оммавий ахборот воситаларига обунани бўлмайдиганлар обунани бўлганларга сонига нисбатан бир неча барабар ошибди. Энг ёмони, газета-журналларни мутлақо ўқимайдиганлар сўровнома иштирокчиларининг ярмидан кўпини ташкил этибди. Наҳотки, шундай бўлса?!

Афсус, минг афсус, журналист дўстимнинг сўровномасига жавоблардаги факт ва рақамлар ниҳоятда тўғри экан. Бунга айна кунларда яна бир видео сўровнома, аниқроғи, "Rost.24.uz" сайти мухбири Машхура Насриддинованинг одамлар билан газета-журналларни мутлола қилиш борасидаги савол-жавобларини кўриб, ишонч ҳосил қилдим. Республика "Матбуот уйи" қўлида ўтказилган бу сўровномада ҳар ўн одамдан тўққизтасининг газета-журнал ўқимаслиги аён бўлди.

Хўш, қандай қилиб бундай ҳолатга тушиб қолдик? Нега босма нашрларни кам ўқийдиган, баъзан эса умуман ўқимайдиган бўлдик? Нима учун маънавият, ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритадиган матбуот нашрларига эътибор камайиб кетди. Бунинг сабаблари кўп. Сабаблардан бири ва энг асосийси, бугунги ҳаёт тарзимиз билан боғлиқ. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин халқимиз учун демократик эркинликлар берилди, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб олиши учун имкониятлар яратилди. Бундай имкониятлардан боши осмонга етган одамлар ўзларини, биринчи навбатда, иқтисодий соҳага урдилар. Мустақиллик ислоҳотлари фақат иқтисодий соҳада, деб ўйладилар. Иқтисодий ютуқларга эришганларга бошқалар ҳам эргашдилар. Ахир бозор савдо-сотиқ, ресторани ва бошқа шу каби иқтисодий соҳаларда осонгина маблағ топиш, бойиб қолиш имкони турганда ўқитувчилик, шифокорлик қилиш, китоб титқилаб илм излаш кимга хуш келарди. Шундай қилиб, жамиятда фақат бойлик тўплашни, нафсини қондиришни ўйлайдиганлар қатлами пайдо бўлди. Уларга нисбатан муносабат ҳам, эътибор ҳам аввалгидан кучайди. Шу сабабли улар бугун ҳам ҳаётда фаол, жамиятда салкам етакчи кучга айланмоқда, десак хато бўлмайди. Бунга мисол излаб узоққа бориб ўтиришимиз ҳолати йўқ. Шундоқ ён-веримизга назар ташласак бас. Мамлакатимизнинг хоҳлаган шаҳар ва қиш-

лоғидаги бирор кўчага кирсангиз, ўнлаб, юзлаб турли хилдаги дўконларни, емакхоналарни кўрасиз. Улар қаторида ҳашаматли тўйхоналар қад ростлаган. Ушбу соҳа вакиллари димоғи осмонда. Лекин ана шу кўчаларда кутубхона, қироатхона, газета дўкони, маданият, санъат масканларини, ёшлар ижодий, илмий даргоҳларини учратишимиз амри маҳол. **Агар уларнинг бир-иккитаси мавжуд бўлса ҳам бу даргоҳларга одам кирмай, хувуллаб ётганига гувоҳ бўласиз. Гўё кимдир одамларни маданият, маънавият, санъат масканларидан қувиб чиқариб, бозорлар, дўконлар, емакхоналарга йўллаётгандай. Яъни, ҳамма ейиш-ичиш, бозор билан банд.**

Тўғри, мамлакатимизда фақат иқтисодий соҳадагина эмас, бошқа соҳаларда ҳам, хусусан, маданият, маънавият, санъат соҳаларида ҳам жиддий ислоҳотлар ўтказилди, бу тизимларни тубдан ривожлантириш борасида қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Афсуски, уларнинг ҳаётда, одамлар фаолиятида амалий натижалари сезилмаётгани. Борган сари аҳолининг маълум қатламлари орасида ижтимоий, гуманитар масалаларга қизиқиш сусаймоқда, маданий ҳаётдан узилишлар оқибатида маънавий қашшоқлик жараёни юзага келмоқда.

Маънавий қашшоқликнинг айрим қўриқларини оммавий ахборот воситаларига, босма нашрларга эътиборсизлигимиз, китобхонлик даражасининг ниҳоятда пастлиги, илм-фанга қизиқишнинг сусайганлиги каби ҳолатларда ҳам кўзга ташланади.

Эътибор беринг, ижтимоий ҳаётнинг барометри бўлган газета-журналларни ўқимасак, нисон қалбини тозартирадиган, унга гўзал хис-туйғуларни индирадиган китобларни мутлола қилмасак, тараққиётга хизмат қиладиган илм-фанни ривожлантирмасак, бунинг маънавий қашшоқликдан бошқа яна қандай ном билан аташ мумкин? Аксинча, биз бугун олдий фуқаролар тортиб раҳбарларга газета-журналлар ўқимаслигини айтиб уялиш ўрнига, "газета-журналларни мутлақо ўқимайман", деб гурурланидиган, мактанадиган бўлиб қолдик.

Дунё ақлининг аксарияти китобхонлик билан шугулланиб турганда, биз болаларимизга машина совға қилиб, китоб ўқитадиган бўлдик. Қилаётган илмий ишларимиз ҳаёт талабига жавоб берадими, йўқми, мутлақо қизиқмаймиз. Бугун ораимизда етук мутахассисдан кўра дипломли "кадр" кўпайиб бормоқда. Хуллас, бугунги бундай ҳолатга тушишимизга тобора кучаяётган маънавий қашшоқлигимиз сабаб бўлмоқда, десак асл ҳақиқатга яқинлашган бўламиз.

Кейинги йилларда газеталар ва журналлар обуналари ҳақида кўп сўз юритилмайдиган бўлди. Шундай бўлиши табиий ҳол. Чунки обунани босма нашрларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан халқ билан боғлайдиган кўприк. Лекин бу кўприк эндиликда ниҳоятда омонат бўлиб қолди. Обуначилар сони кескин

камайиб кетди. (Босма нашрлар савдоси эса мутлақо талабга жавоб бермайди). Бу кескин камайиш сабабларини оммавий ахборот "билимдонлари" ҳар хил шарҳлашади. Баъзилар "бугунги кунда босма нашрлар ўз хизмат вазифасини ўтаб бўлди, улар ўрнини интернет тармоқлари эгаллади", деб ваз кўрсатадилар. Уларнинг бу важи асосиз эканлигини ҳаёт ҳар қадамда исботлаб турибди.

Дунёнинг юксак тараққий этган мамлакатларида интернет ҳар қанча ривожланган бўлмасин, босма нашрларнинг аксарияти кунга бир неча миллион нусхада икки-уч мартадан нашр қилинмоқда. Айни пайтда, юртимизда интернет тармоқлари ақтуал хабарларни тарқатишдан ташқари олди-қочди, қўйди-чиқди, миш-мишларнинг, маънавий-маърифий чиқишлар ўрнига маданиятимизга ёт бўлган мақолалар, маълумотлар эълон қилинадиган, ҳақоратлар уясига айланаб улгурди.

Билимдонларнинг яна бир гуруҳи собиқ шўролар даврида амалда бўлган "Мажбурий обуна" тизимини қайта тиклашни ёки босма нашрларнинг нархи ошганлиги сабабли обуначилар учун давлат томонидан маълум миқдорда субсидия ажратишни таклиф қилмоқдалар. Улар фикрича, ана шунда обуначилар сони ошиб, газета-журналларнинг фаол муштариёлари кўпаяр экан.

Оммавий ахборот воситалари билимдонларнинг айримлари босма нашрларни жойларга арзон нархларда ёки умуман бепул тарзда етказиб бериш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Аслида шундай тажриба хорижий давлатларда мавжуд. Яъни, босма нашрларнинг аксарияти савдо-сотиқ дўконлари, емакхоналар, корхоналар томонидан сотиб олинди, бепул ўқиш учун қўйлади. Миқдорлар, ишчилар улардан текини фойдаланадилар. Муштариёлар сони кўпайтиришда бу ҳам бир чора саналади.

Умуман билдириладиган таклиф ва мулоҳазаларда маълум маънода жон бор. Булар босма нашрлар обуналарини кўпайтиришга хизмат қилиши мумкин. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бизнинг мақсадимиз фақат босма нашрлар обунасини кўпайтиришдан иборатми? Ахир асосий мақсадимиз газета-журналларимизнинг фаол, кенг фикрлайдиган, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси, жамиятимиздаги ўзгаришларга бефарқ бўлмаган, мулоҳазакор муштариёларни кўпайтиришдан иборат эмасми? Шундай экан, газета-журналларни мутлақо ўқимайдиган, маънавий қашшоқлик вирусига гирифтор бўлганларга босма нашрларни қандай йўсинда бўлмасин етказиб бериш билан уларни фаол муштариёларга айлантириб, асосий мақсадимизга эришиб бўлармикан?! Демак, бу ўринда юқоридагилардан ташқари обунани масаласига бошқача ёндашув ҳам зарур.

Обуна пайтида яна бир галати жараён кўзга ташланади. Обунани иши билан асосан тахририятлар ва бу жараёндан манфаатдор шахслар шугулланадилар. Бир қарашда бу ҳолат кишида тўғридек таассурот қолдиради. Ахир махсулот чиқарган, яъни газета-журнал нашр этишга масъул бўлган тахририятнинг савдоси билан ҳам шугулланиши керак-да. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу ўринда махсулот савдоси билан фақат тахририят эмас, буюртмачи ҳам шугулланиши лозим. Буюртмачи эса газета-журналларнинг муассислари

ҳисобланади. Чунки босма нашрлар муассисларнинг гоёлари, фикрлари, хулосалари асосида шаклланади. Шундай экан, муассислар қўл остидаги нашрларнинг обуналарига биринчи навбатда жавобгар бўлишлари керак. Афсуски, кўп муассислар тахририятлар билан ҳамкорликни улар устидан раҳбарлик қилиш, буйруқ бериш, деб тушунишади.

Эътибор беринг, мамлакатимизда бешта партия фаолият юритмоқда. Бу партияларнинг ўз нашрлари – газеталари бор. Ҳар бир партиянинг кўплаб аъзолари бор. Бироқ ана шу партияларнинг газеталари 1,5 миңдан бошлаб 5 миң нусхагача нашр этилади, холос. Бугунги сиёсий жараёнда бошқа оммавий ахборот воситаларига эга бўлмаган бу партиялар ўз гоёлари, ютуқлари, амалга ошираётган ишларини тиражи кам сонли газетаси орқали кенг омма нари турсин, ўз аъзоларига қандай етказар экан? Ёки бу партияларнинг аъзолари газета ўқиладиган туриб ўз ташкилотларининг ютуқ ва камчиликларидан қандай хабардор бўлар эканлар? Шундай экан, энг аввало, бу сиёсий партиялар ўз нашрларининг обунаси ҳақида ўйлашлари керак эмасми?!

Ёхуд Халқ таълими вазирилик муассислигида республикамизда "Тонг юлдузи", "Класс", "Гулхан", "Гунча", "Маърифат" газеталари ва журналлари нашр қилинади. Уларнинг ҳаммасини кўшиб ҳисоблаганда умумий тиражи 15 миң нусхадан ошмайди. Тасаввур қилинг, мамлакатимизда 10 миллион ўқувчи мактабда таълим олади. Шундан тенг ярмини бошланғич синф ўқувчилари ташкил этади. Улар учун нашр қилинадиган "Тонг юлдузи" газетаси эса бор-йўғи миңг донга чиқади. Ахир бу газета болаларнинг маънавий савиясини оширишга, уларни ижодкорликка, яратувчиликка ундайдиган нашр-ку. "Маърифат" газетаси вазириликнинг қарор ва кўрсатмаларини мактаблардаги устоз ва мураббийларга етказувчи восита саналади. Аммо бу газетанинг тиражи республикамиздаги мавжуд мактабларга биттадан ҳам етмайди. Аслида бу газетанинг ҳар бир сони ҳар бир ўқитувчи учун асосий қўлланма вазирасини бажариши шарт.

Хўш, бу жараёни Халқ таълими вазириликдагилар билишмай-дими? Билишсади, лекин мавжуд ҳолат улар ўз вазифаларини астойдил амалга оширишни исташмаётганини кўрсатади.

Бундай фикр ва хулосаларни "Ёшлар овози", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Қишлоқ ҳаёти", "Маҳалла", вилот ва туман газеталари муассислари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Демак, бугун босма нашрларга обунани яхшилаш масаласи нафақат тахририятларнинг, балки, энг аввало, муассисларнинг ишига айланиши шарт.

Ҳозирги пайтда кўпчилик обунанинг кўпайиши тахририятларнинг иқтисодий аҳолини яхшилашга хизмат қилади, деб қарашади. Тўғри. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Обунанинг кўпайиши, газетхонлар, муштариёлар сонининг ошиши айна пайтда халқимиз сиёсий онгининг ўсишида, мамлакатимизда маънавий дунёқарашнинг шаклланишида, ягона миллий гоёнинг таркиб топишида ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Буларнинг ҳаммасининг амалга ошиши учун одамлар, энг аввало, маънавий қашшоқлик вурсидан халос бўлишлари лозим.

ЯНА ОБУНА ҲАҚИДА

Партиядошларимиз

Муаллима

«Адолат» СДП Хоразм вилоят кенгаши ҳамда Хоразм телерадиокомпанияси ҳамкорлигида партиямизнинг дастурий гоёлари ва устувор вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда Янги Ўзбекистонимиз барпо этилишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган партиядошларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти тўғрисида лавҳалар тайёрланиб, юртдошларимиз эътиборига ҳавола қилиниб келинмоқда.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Партия Хоразм вилоят кенгашининг «Эҳтиром» лойиҳаси доирасида Хонқа туманидаги 36-сонли умумтаълим мактабининг она тили фани ўқитувчиси, "Халқ таълими аълочиси" Гулнора Олимованинг фаолияти билан яқиндан танишдик.

Гулнора Олимова 1988 йил Хоразм давлат педагогика институтини муваффақиятли тамомлаб, Хонқа туманидаги 36-сонли умумтаълим мактабида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган. У қисқа давр ичида тажрибали устозларининг самимий кўмаги билан жамоадан муносиб ўрин олди.

– Ўқитувчилар оиласида дунёга келганим боис, устозлик касбига бўлган меҳрим тобора ортиб борди ва болаликдаги орзуларим рўёбга чиқди, – дейди қаҳрамонимиз. – Иш фаолиятимнинг илк кунларидаёқ жамоа мени хурмат билан кутиб олди. Айниқса, устозларим Ибрагим Нурметов, Роза Ибрагимоваларнинг мени кўплаб-қувватлаб берган насиҳатлари ҳеч ҳам эсимдан чиқмайди. Улар билдирган ишонч ўз касбимга бўлган меҳримни янада ошириб юборди.



– Ушбу мактабда фаолиятимни бошлаганимга 7 йилдан ошди, – дейди Динноза Қиличева. – Касбимни пухта эгаллаб олишимда Гулнора Олимованинг ҳиссаси жуда катта. Устозим ўқувчилик пайтимидаёқ фан олимпиадаларининг республика босқичларида фахрли ўринларга эришишимда меҳнатларини аямаганлар. Устознинг мен каби қанчадан-қанча шогирдларни тайёрлаб, билим кўникмаларини бойитишида, оила ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида хизматлари беқиёс.

Г.Олимованинг ўқувчилар билан дарс ўтиш жараёнини кузатамиз. Бир-биридан зукко, билимга чанқоқ болажонлар муаллимани ҳудуд опаларидек, оналаридек яхши кўришади. Дарс якунлангандан сўнги ҳам қаҳрамонимиз билимга чанқоқ ўқувчиларнинг қуршовида қолиб кетганини кўриб, муаллима ўз касбининг жонкуяри эканига яна бир бор амин бўлди.

Мактаб жамоасининг қайси бир аъзоси билан суҳбатлашмайлик, муаллима тўғрисида тўлқинлиб гапирди.

Суҳбатимиз қаҳрамонимизнинг уйида, оиласи бағрида давом этди. Шинам, саранжом-сарихта, кўпаламзор хонадонда ўстирилаётган турфа гуллар оила осойишталигига кўрк бағишлаётгандек.

– Оилада тўртта қизимиз, – дейди Индира. – Онақонимиз биз, фарзандларига доим эътиборли. Ўзим онам изидан бориб, ёшларга таълим берайман.

Дарвоқе, қаҳрамонимиз яқинда "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Бундай юксак эътибор Гулнора Олимова фаолиятига янада янги куч бахш этади, албатта. Шунингдек, Г.Олимова партиямиз фаоллари билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётганини ҳам эътироф этиш жоиз. У партия туман кенгашининг барча тадбирларида фаол. Шу боисдан қаҳрамонимиз "Адолат" СДПнинг қатор ташаккурнома ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Бир сўз билан айтганда, ёниқ юракли муаллиманинг фаолиятини кузатар эканмиз, устозлик заҳмати ва шарафли касб эканига, Гулнора Олимовадек азму шижоатли муаллималар юрт хизматида экан, Янги Ўзбекистонимизни баркамол ёшлар, албатта, барпо этишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Ҳикмат

ҲАҚИҚИЙ БОЙ

– Қанча пулинг бор?
– Уч миңг олтиним бор.
– Тўрт миңга етишини истайсанми?
– Албатта, истаيمان.
– Беш миңг бўлишини-чи?
– Истаيمان.
– Ўн миңг олтининг бўлса жуда севиңган бўлардинг, шундайми?
– Шубҳасиз, мамнун бўларман.
– Бой эканингни айтаясан, бироқ сенинг кўзинг оч. Агар сенда ўн миңг эмас, юз миңг олтин бўлса ҳам қаноат қилмай, ундан ортингни сўрайсан. Қаноати бўлмаган инсон бой ҳисобланмайди. Ҳақиқатан бой ҳам бой эканини, ҳеч нарсага эътиёбни йўқлигини айтиди. Ўлуг валий сўради: Иброҳим Аҳхам.

Иброҳим Аҳхам роҳимаҳуллоҳнинг фақирлиги шу қадар ошкор ва кўзга қўринарли ҳолда эдики, кўрган одам ачинади қарарди.
Бир кун пули кўп бир одам Иброҳим Аҳхамга ёрдам бермоқчи эканлигини извор қилди. Иброҳим Аҳхам эса:
Ҳақиқатан ҳам бой бўлсанг, ёрдамингни қабул қилман, – деди.
Халиғи одам эса ҳақиқатан ҳам бой эканини, ҳеч нарсага эътиёбни йўқлигини айтиди. Ўлуг валий сўради: Иброҳим Аҳхам.

Мулоҳаза учун мавзу

ҲУРМАТ ҚАНИ, ҲАЙДОВЧИ?

Бугунги кунда кўчалар турли русумдаги автомобилларга тўла. Баъзан, муболагасиз қадам босгани жой тополмай қолади, киши. Лекин шунга қарамасдан, автоулов олиш орзусида юрганлар сони ҳаддан зиёд кўп. Бу, албатта, бир томондан тўқчиликнинг, иккинчи томондан эса «кимўзар»га «от суриш»нинг нишонасидир. Нима ҳам дердик, замона зайли шунга тақозо этмоқда. Беминнат улов кимларнингдир оғирини енгил, узоғини яқин қилишга хизмат қилаётган бўлса, кимгадир кўнгилхушлик қилиш учун қўл келмоқда.

Муҳиддин ОМАД, журналист

Автоуловлар сони кўпайгани сари йўллар ҳам кенгайтирилиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар, йўл белгилари, кузатув курилмалари билан таъминланмоқда. Айниқса, шаҳарларда, таълим-тарбия муассасалари ҳудудларида ҳаракат тезлигини пасайтириш чоралари кўрилмоқда.

Мазкур тартиб-қоидаларнинг яратилган шарт-шароитларнинг барчаси заҳматқаш халқимизнинг манфаати учун хизмат қилмоқда. Бироқ, ўз сабрини жилволай олмайдиган баъзи бир кибрилли, димоғдор шахслар борки, улар ўзлари учун ҳам, жамият учун ҳам доимо ташвиш туғдириб келади. Бесаёр одам автомашина бошқарганда ҳам феъл-аълодаги нуқсонини намояндалар. Масалан, светофор қизил ёниб турган чоғда сониялар ораллида тўхтаб туришга тоқат қилолмайдиган сигнал чалади ёки олдида тўхтаб турган машина эгасига ўшқириб, йўлни тезроқ бўшатишини талаб қила бошлайди ёки ён томондаги тақиқланган чизикни босиб ўтиб, олдидаги бир нечта машинадан аввал ҳаракат қила бошлайди. Тезликни меъёрдан ошириб, атрофдагиларга хавф солади. Чоррақаларда норозилик овозлари янграйди:

- Қаёққа шошасан, ҳой?
- Йўлингдан қолма!
- Кўзингга қарасанг бўлмай-дими?

- Ҳўжайин бўлма!
- Четга ўт, гаплашамиз!..

Оқибатда асаби бузуқ бир машина ҳайдовчиси қаршидан ҳаракатланиб келаётган иккинчи бир машина ҳайдовчиси саросимага солиб қўяди. Кутилмаганда, сониялар ичида кўнгилсиз ҳодиса рўй беради. Туртишувлар бошланади. Бир зумда воқеа жойга етиб келган йўловчи «благаон»лар вазиетни чигаллаштириб, ўзларича «айбдор»ни аниқлай бошлашади. Йўл патруль хизмати ходимининг

ишига аралашиб, ўзларининг «ақлли» фикрларини тикиштириб қўяди. Ҳозиргина вақтинчи қизганиб, ҳовлиққан айбдор ҳайдовчи энди соатлаб ўзининг айбисиз эканини исботлашга уринади. Охир-оқибат жабрдийдалар (гарчи айбдорликларини ҳис қилиб турган бўлсалар-да) бир-бирларининг ёқасидан олишга, қақоратлашга ва ундан ў ёғи судлашишгача бориб етадилар...

Айни пайтда мамлакатимиз фуқаролари ихтиёрида миллионлаб шахсий автомашина бор. Ҳар кун уларнинг кам деганда саксон-тўқсон фоизи ҳаракатда бўлади. Ҳар кун йўлларда бирор-бир кўринишдаги тўқнашув содир бўлади. Улим билан боллик ҳолатлар, афсуски, кўпроқ, Соғлиқни сақлаш ташкилотларининг ҳисоботига қараганда, йўл-транспорт ҳодисаси туфайли минглаб кишилар, айниқса, мактаб ёшидаги болалар ҳалок бўлмоқда. Айтишларича, автоҳалокат туфайли вафот этиш касаллик туфайли вафот этишдан бир неча баробар ортиқроқ экан.

Йўлдаги бундай кўнгилсизликларнинг аксарияти кўпроқ тезликни ошириш оқибатида вужудга келар экан. Шунга ҳисобга олиб, серкатнов йўлларда автоуловларнинг ҳаракат тезлигини пасайтириш масаласи кўрилатган бир пайтда, бу таклифни қўллаб-қувватлаш ўрнига унга қарши чиқаётганлар ҳам йўқ эмас. Масъулларнинг гувоҳлик беришича, Европа давлатларида бундай таклифлар ҳайдовчилар томонидан маъқулланган. Бундан инсон ҳаёти улар учун ҳамма нарсадан устун туришини англаса, бўлади. Ҳўш, бизнинг юртдошларимиз учун тезлик муҳими, инсон ҳаётими? Бу савол ҳар қандай ақлли одамни ўйга толдириши тайин.

Маълумки, шахсий транспортда ишга бориш ёки қайтишда кишилар эрталабки ва кечки тирбандликлар туфайли кўп вақт йўқотиб, асабларда

зўриқиш пайдо бўлади. Бундай ҳолатлар ишда ва оиладаги муносабатларга салбий таъсир этади. Тирбандликларнинг олдини олиш учун жамоат транспортидан кўпроқ фойдаланиш керак, деган таклифлар бор. Чунки жамоат транспортидан фойдаланган киши манзилга эртароқ етиб боради. Чарчамайди. Баъзи ҳолатларда китоб, газета ўқиш, берилган топшириқларни бажариш учун имкон туғилади. Чет элларда бундай ҳаракат усули ўз самарасини бермоқда экан.

Яна бир масала, кўпича биз уч ёки тўрт қаторли йўлларни тўлалиқча ҳаракатдаги автомобиллар эгаллаб олганига гувоҳ бўламиз. Тез ёрдам, ўт ўчириш ёки фавқулодда ҳолат туфайли йўлга чиққан автомобилларнинг эркин ҳаракат қилиши учун алоҳида очик йўлак йўқ. Бу ҳолатлар тирбандлик пайтларида кўпроқ кузатилади. Европа давлатларида эса фавқулодда қатновлар учун алоҳида йўлак ҳамма дахлсиз турар экан. Аслида бундай тақаллуф бизнинг миллий қадриятларимизда бор. Ота-боболаримиз бир-бирини ҳурмат қил, шовилганга йўл бер, деб насиҳат қилишган.

Дунё кезган бир ватандошимиз чет элда ҳеч бир автоулов ҳайдовчиси бошқасига ёки йўловчига нисбатан ҳурматсизлик қилганини кўрмадим, дейди. Бизда эса, афсуски, ҳайдовчи катта йўлда кўнгли тусаган ишни қилади. Хоҳласа, мумкин бўлмаган чизикни босиб ўтиб, йўлнинг нариги қисмида бемаълум ҳаракатланади. Светофорнинг қизил чироғи ёниб турган бўлса-да, чоррақанинг нариги қисмида автомобил бўлмаса, фурсатдан фойдаланиб газни бошиш пайида бўлади. Ваҳоланки, бутун дунё ислом улаомлари фатвосига кўра, қизил чироқда ҳаракатланиш, тақиқланган чизикни босиб ўтиб, йўлнинг нариги қисмида юриш бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш билан баробар кўрилган ва бу катта гуноҳ экани таъкидланган.

Шу ўринда масжидга машинасида қатнайидиган биродарлар

римизга ҳам эътирозимиз бор. Айниқса, жума намози ўқилайдиган кунлари масжид атрофидан ташқари серкатнов йўлларга ҳам ўз машинасини йўлга шаклда қолдириб кетиш ҳолатларига дуч келамиз.

Ахир ибодатга бораётган мусулмон бошқаларга озор етказмаслиги керак-ку! Омма фойдаланадиган йўлни тўсиб қўйиш иймонли одамнинг иши эмас. Шариат аҳкомларида ибодатга пиёда боришнинг афзаллиги, савоби кўпроқ дейилган. Намозхонлар ақалли жума кунини машина бошқариш одобида бошқаларга ўрнатилган қўғдирилган нур бўларди. Исломида иймон билан одоб бир юради. Одобсиз одам иймонли бўла олмаганидек, иймонсиз одам ҳам одобли бўла олмайди. Лекин не учундир ғайридин ҳисобланган миллилар тутумида инсонга нисбатан ҳурмат кўрсатиш одоб даражаси биздагидан анча юқори экани таажублантиради кишини. Уларда бундай ибратли тарбия қаердан пайдо бўлди?

Авалло улар, шубҳасиз, юксак тарбияни шарқ адабиёти – бизнинг бобокалонларимиз ёзиб қолдирган адабиётлардан ўқиб-ўрганишган. Оилада одоб масаласига жиддий қаралса, мактабларда устувор ўқитилади ва энг муҳими, шу билан биргаликда ҳаётда катталар ёшларга ўрнатилган қўғдирилган нур билан юксак чўққиларга эришиш мумкинлигининг ҳаётда исботини кўрганлар ва кўраятдилар ҳам. Лекин бизда одоб масаласи бироз ортда қолмоқда.

Бировнинг ҳаққидан кўрқиб деган тушунчамизда нуқсон бор. Бунга юртимизга сафар қилган хорижлик сайёҳлар ҳам эътироф этишмоқда. Агар феъл-аълодаги бундай қўғдирилган халос бўлса, хоҳ машинада бўлсин, хоҳ пиёда бўлсин, йўлда ҳаракатланиш маданиятига амал қилмасангиз, ишда янада ошади, ҳар жабҳада ривожланиш бўлади, тараққиёт бундан-да тезлашади. Қимматли вақтимизни беҳуда асабузарликларга эмас, фойдали ишларга сарфлаган бўламиз.

Таълимга эътибор – келажакка эътибор

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдукамол Раҳмонов ўзи туғилиб ўсган Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани Бурган қишлоғидаги 73-, 105-умумтаълим мактабларида аъло баҳоларга ўқиши ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрнатилган ўқувчиларга ўз ҳисобидан стипендия жорий қилгани туғрисида аввалроқ хабар берган эдик.

Ғолиблар аниқланди



Зулайхо АҲМАДЖОНОВА, журналист

Шу муносабат билан ушбу таълим масканларида 1-чорак якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ўқитувчилар ҳайъатининг ҳулосаси билан чорак якунига кўра, ҳар иккала мактабда «Энг намунали ўқувчи» стипендияси ғолиблари аниқланди.

Шу муносабат билан ушбу таълим масканларида 1-чорак якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ўқитувчилар ҳайъатининг ҳулосаси билан чорак якунига кўра, ҳар иккала мактабда «Энг намунали ўқувчи» стипендияси ғолиблари аниқланди.

Чораклик стипендиясига 73-мактабдан 7-синф ўқувчиси Абдувоҳид Абдуҳамидов, 10-синф ўқувчиси Одина Маликова, 105-мактабдан 8-синф ўқувчиси Лобар Шодиева, 11-синф ўқувчиси Моҳира Муҳаммадиевалар муносиб топилди. Стипендиантларга мутасаддилар бошчилигида «Энг намунали ўқувчи» сертификати ҳам топширилди.

Ибрат

Қирқ яшар мактаб ўқитувчиси саратон хасталигига чалинди. Шифокорлар узоғи билан бир йил умрингиз қолди дейишди...

Ўқитувчини бир савол қийнади: “Ўлганимдан кейин хотиним ва қизларим қандай кун кўради?”

У инглиз тили ва адабиётдан дарс берарди, бестселлер бўладиган роман ёзиб, муаллифлик ҳуқуқини оиласига мерос қолдиришдан бошқа жўяли режа ҳаёлига келмади. Аввал умрида ҳеч асар ёзмаган бўлса ҳам, ҳозирги аҳволи ва қолган камгина вақти нуқтаи назаридан бошқа бирон бизнес бошлашга имкони ҳам йўқ эди. Хуллас, у роман ёза бошлади.



Мақсади юксак адабий дурдона яратиш эмас, шунчаки оммабоп асар ёзиш эди. Жон-жаҳди билан киришди. Шу даражадаки, ҳаётини фақат бир йилу битта хонадан иборат деб тасаввур қилди. Ҳар кун асарни устида ишлади, ҳеч нимани ўйламади: на касалини, на тузаланини. Муддат тувағунча ишни якунлай олса бас.

У бўлажак романи ўқувчиларини худди мактабдаги ўзининг ўқувчиларидек тасаввур қилди. Асар қарамонларини ҳам ўқувчи болалардек деб билди, улардан илҳомланди, бутун ўқитувчилик тажрибаси давомиди болалар билан бўлган мулоқоти, таъсирлари ва ҳулосаларидан фойдаланди.

Ушбу шартли равишда берилган йил нихоятга етар-етмас роман битди. Қарамонимиз кўлёмани наширётга топшириб, шифокор қабулига борди. Шифокор эса рентген суратлари, қон таҳлиллари ва бошқа текширувлар натижаларини қайта-қайта кўриб, кўзларига ишонмади – саратон чекинганди! Бемор соғая бошлаганди.

Ушбу ўқитувчи – ҳозирда жаҳонга машҳур ёзувчи Энтони Бёржес эди, унинг “Ўйотувчи апельсин” романи ҳақиқий бестселлер бўлди. Асар асосида кейинчалик Стенли Кубрик суратга оlingан фильм катта шов-шув ва жанжалларга сабаб бўлди, ҳатто бир муддат тақиқлаб ҳам қўйилди (бу бошқа тарих).

Бёржес ушбу романдан кейин яна 50 дан ортқ китоб ёзди. Бу ҳам камдек мусиқа ёза бошлади: 175 та мусиқа асарлари яратди! Ҳатто симфоник оркестр ҳам Бёржесга мусиқа бюртма қилган...

Ёзувчи муҳим ташхисдан кейин яна 34 йил яшади ва 1993 йилда ўпка саратонидан вафот этди (тақдир). Аммо бир саратондан бошқасигача у дунёга машҳур ишдор бўлиб яшага улгурди.

Ижод, севимли касб шундай – даволайди, юксалтиради. Ишга оёғинангиз судраб келсангиз, истамай ишласангиз, ҳафсаласиз шугуллансангиз – касб сизни емиради, ейди! Ҳар кимсага кўнглига ёққан касб билан шугулланиш ва ундан манфаат кўриш бахти насиб этсин.

Қолаверса, ҳар биримизнинг ичимизда ҳали ўзимиз билмаган бир истеъдод мудар етган бўлиши мумкин.

Машҳур rassom Гоген 40 ёшидан кейин rassomчилик билан шугуллана бошлаганини биласиз. Аслида ёш жуда шартли нарса, агар ўзингизда куч ва иқтидор сезсангиз, фаолият турини ўзгартириш учун 40-50-60 ёш ҳам кеч эмас.

(Фейсбукдан олинди)

“Адолат” социал-демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши раисининг ташкилий-партиявий ишлар бўлимча ўринбосари Жасур Қаршиева онаси

Меҳринисо она ҚАРШИЕВАНING вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ибрат

Мана бу расмга эътибор беринг: Канадада ҳайдовчилар йўл ўртасида болаларини эмизатган кийикни кўриб қолишган ва сигнал чашиб қочириш ўрнига, у кийикчаларини тўйгазгунча, ярим сотга яқин (!) тўхтаб туришибди.

Бизда-чи? Бизда светофор яшил ёнганида битта-яримта ҳайдовчининг икки сония тўхтаб қолишини тасаввур қилиб кўринг. Орқадаги машиналарнинг сигналлар оркестри еру осмонни батанг қилиб, концерт бошлаб юборади...

